

Кордова кутубхонаси жавонларида...



17:00 / 18.03.2022 2633

Тарихда китоблар ва кутубхоналар ҳақида маълумотлар жуда кўп. Юқоридагилардан келиб чиқиб мусулмон айрим шахслар, ҳукмдор ёки масъулларнинг илмга бўлган эҳтимом ва эътиборларини кўрсатишга уринамиз.

Иккинчи ҳижрий асрнинг охирларидан бошлаб умумий кутубхоналар сони орта бошлаган. Халифалар, амирлар ва бошқа масъуллар ушбу кутубхоналарни ходим ва мутахассислар билан, китобларнинг сақлаш, янгилаш учун зарур бўладиган иш қуроллари билан таъминлашган. Мўътабар китоблар ва бошқа илмлар борасидаги китобларни жамлаб беришган. Ислом диёрининг шарқу ғарбидаги, Андалусдаги халифа ва амирлар умумий кутубхоналар хазиналарини нодир ва камёб китоблар ҳамда турли туман минг-минг мужаллад китоблар билан тўлдиришга

ошиққанлар.

Ривоят қилишларича, Андалус давлати гуллаб-яшнаган даврда Кордова кутубхонаси жавонларида 400.000 мужаллад китоб сақланган. Саккизинчи ҳижрий (14-милодий) санада француз қироли Шарл-V Франция кутубхонасига ақалли 900 тача ҳам китоб жамлай олмаган экан. Уларнинг бешдан бири диний мавзуларда экан.

Бу ўрин ўтган асрлар давомидаги Ислом диёрларида мавжуд бўлган кутубхоналар ҳақидаги сўзларни сиғдира олмайди.

Манба: arabicuz